

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВА ДИЛНОЗА ХОЛМУРОД ҚИЗИ**

**ТИББИЁТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТИЛ  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Холмуродова Дилноза Холмурод кизи**

Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини  
замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш .....3

**Холмуродова Дилноза Холмурод кизи**

Улучшение языковых навыков студентов медицинских учебных  
заведений на основе современных образовательных технологий .....21

**Kholmurodova Dilnoza Kholmurod kizi**

Improvement of language skills of students of medical educational  
institutions on the basis of modern educational technologies.....33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВА ДИЛНОЗА ХОЛМУРОД ҚИЗИ**

**ТИББИЁТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТИЛ  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2022.1.Phd/Ped3060 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Лайло Толибжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Қодирова Фазилят Шукуровна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)


**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» 07 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11; факс: (99871) 276-80-86. e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1494 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11; факс: (99871) 276-80-86. e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «07» 07 куни тарқатилди.  
(2022 йил «07» 07 даги 85 рақамли реестр баённомаси).

**И.А. Хайдаров**  
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., проф

**И.Б. Ибнов**  
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш котиби, пед.ф.д., доцент

**И.М. Муслимов**  
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д., проф

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тиббиёт таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ёндашувлар асосида такомиллаштириш механизмлари амалиётга татбиқ этилмоқда. UNESCO ва Халқаро университетлар ассоциацияси (International Association of Universities – IAU) дастурларида талабаларининг тил кўникмаларини ривожлантириш, таълим технологияларини қўллаш<sup>1</sup>, таълим жараёнини моделлаштириш, касбий тайёргарликни интегратив ёндашувлар асосида такомиллаштиришга қаратилган йирик амалий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида тил қобилияти ҳамда шахс ривожланишининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш, алоқа нутқ тизимларининг назарий методологик асосларини ривожлантириш, янги таълим стандартларини таълим жараёнига татбиғи самарадорлигини ошириш, талабаларнинг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда, Уэльс, Германия, Япония, Нидерландия ва Шимолий Ирландияда ўқув фанларининг ўқитилишида интегратив ёндашув самарадорлигини ошириш, бўлажак тиббиёт ходимларига инглиз тилини ўқитиш ва касбга тайёрлашни Умумевропа CEFR малака талаблари асосида такомиллаштириш, таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни йўлга қўйиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тиббиёт таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблари асосида ташкил этиш ҳамда илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда ахборот коммуникация технологиялари воситасида корпус технологияларини, Умумевропа CEFR талаблари асосида талабаларга чет тилларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари ва моддий-техник базаси яратилмоқда. “... хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш”<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Бу борада тиббиёт олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишда талабаларнинг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида касбий фанларга интеграллаштирилган ҳолда ўргатиш имконияти кенгайтирилганлиги долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни

---

<sup>1</sup> IN FOCUS Universities and Agenda 2030: Engaging with the SDGs / IAU 2019 CONFERENCE / Transforming Higher Education for the Future. Vol.24 №1 \* IAU HORIZONS. [https://iau-aiu.net/IMG/pdf/iau\\_horizons\\_vol.24.1\\_en\\_light.pdf](https://iau-aiu.net/IMG/pdf/iau_horizons_vol.24.1_en_light.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5117-сон, 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4310-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 610-сон, 2019 йил 19 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 606-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизнинг педагог олимларидан, Б.С.Абдуллаева, Р.Х.Джураев, О.М.Мусурмонова, Р.Г.Исянов, М.Б.Урабова, Ш.С.Шариповнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш; Л.Т.Ахмедова, Н.М.Ахмедова, М.Гулямова, Ж.Жалолов, Х.Маматкулов, Ф.М.Рашидова, К.Ж.Рискуловлар олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш масалаларига оид илмий изланишлар олиб борилган.

Талабанинг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш масалалари Е.Д.Божович, Л.С.Волкова, И.В.Глотова, А.А.Залевская, М.Я.Микулинская, Л.П.Носкова; талабанинг тил қобилияти ва шахсий ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги М.К.Кабардов, Б.И.Коротяев, Н.Ф.Микляева, А.Н.Ксенофонтова; талабанинг тил қобилиятлари такомиллаштиришнинг дидактик жиҳатлари Н.А.Ипполитова, К.Ф.Седов, И.Е.Синица томонидан илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

Хорижий давлатларда ўқитишни интегратив мазмундаги билимларни ўргатиш, хорижий асосида ташкил этиш М. Byram, D. Coyle, J. Genoz, S. Darn, D. Marsh, S. Savignon, M. Swain, M. Swales, J. Trim, D. Wolff, J. Wright, H. G. Widdowson томонидан тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А.1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” мавзуси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари воситасида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларнинг аудитория машғулотларида матн устида ишлаш орқали хорижий тилда нутқини ўстириш механизмларини такомиллаштириш;

матн устида ишлаш орқали нутқ ўстиришга оид билим кўникма ва компетенцияларни такомиллаштириш босқичларини аниқлаш;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг нутқини ўстириш жараёнида уларда матнни тинглаб тушуниш даражаларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиббиёт таълим муассасаларида талабаларнинг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, тажриба-синов ишлари Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 512 нафар талабалари иштирокида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик, психологик ва методик адабиётларни назарий таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, суҳбат, савол жавоб, анкета, педагогик кузатиш, педагогик тажриба, мониторинг, умумлаштириш, математик статистика усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

тиббиёт таълим йўналиши талабаларининг нутқ ўстириш технологияси рефлексив машқлар, нутқнинг эстетик сифати, вазиятни вербал шаклда тасаввур қила олиш, суҳбатдошига мослашиб олишнинг индивидуаллигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

талабаларнинг тиббиёт соҳасига оид матн устида ишлаш самарадорлиги нутқни ўстириш жараёни интенсивлиги, касбий тафаккурни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятлари ҳамда диагностик лойиҳалаш кўникмаларни эгаллаш қобилиятига кўра саралаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг аудитория машғулотларида нутқни ривожлантириш босқичлари ўқитишнинг дидактик устувор тамойилларини эвристик ҳамда продуктив фаолиятли таълим технологияларига тил бирликларининг ўзлаштирилиши, ясалиши, қайта яратилиши ва адекват идрок қилиниши мослиги натижадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабалар нутқини ўстириш жараёни мустақил таълимда оғзаки (speaking) ва ёзма (writing) нутқни ривожлантиришга йўналтирилган амалий курс топшириқлари тил бирликларининг ташқи шаклини уларнинг мазмун жиҳати, умумий маъноси, семантикаси билан мантикий боғлай олиш кўникмасини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тиббиёт таълим муассасаларида нутқ ўстириш усуллари касбий йўналишларда чет тилини ўқитиш материаллари мисолида илмий-жиҳатдан асосланган ва умумлаштирилган;

тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштиришда нутқ ўстиришнинг устувор тамойиллари, жараённинг модели ва амалий методик-тавсиялари ишлаб чиқилган;

тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида 5510100-Даволаш иши, 5510200-Педиатрия иши, 5510400-Стоматология, 5510700-Олий ҳамширалик иши мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга чет тилини ўқитиш жараёнига татбиқ этилган;

тиббиёт муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлиги тизими, жумладан, амалий йўналтирилган ва тажриба-синов учун танланган замонавий таълим технологиялари таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, психологик, психолингвистик ва педагогик, методик ёндашиш ҳамда тиббиёт таълим муассасалари аудиторияларида замонавий таълим технологиялари орқали нутқ ўстириш методикасини такомиллаштиришда республикамиз ва хориж олимлари тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос методлар танлангани, тадқиқ ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминлангани, тажриба синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббиёт таълим муассасаларида тил қобилиятларини такомиллаштириш дидактик имкониятларининг такомиллаштирилганлиги, диссертация материали тиббиёт таълим муассасалари талабаларига касбий йўналтирилган ҳолда чет тилини ўргатиш масаласига оид семинарларни ташкил этиш ва илмий изланишлар олиб боришда дидактик манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштириш анъанавий ва ноанъанавий таълим технологияларининг ёритилганлиги ҳамда нутқ ўстиришга оид ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ва асослаб берилган аҳамиятли назарий билимлардан тиббиёт таълим муассасаларининг чет тили фани бўйича дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишда, тайёрланган дарс ишланмалари, машқлари, тест топшириқлари ва луғатидан таълим амалиётида талабаларнинг билиш ва тушуниш даражасини баҳолашда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

тиббиёт таълим йўналиши талабаларининг нутқ ўстириш технологияси рефлексив машқлар, нутқнинг эстетик сифати, вазиятни вербал шаклда тасаввур қила олиш, суҳбатдошига мослашиб олишнинг индивидуаллигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Textbook for medical students” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи асосида берилган 237-373 рақамли рухсатномаси). Натижада тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини ташкил қилиб, натижанинг самарали бўлишига эришилган;

талабаларнинг тиббиёт соҳасига оид матн устида ишлаш самарадорлиги нутқни ўстириш жараёни интенсивлиги, касбий тафаккурни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятлари ҳамда диагностик лойиҳалаш кўникмаларни эгаллаш қобилиятига кўра саралаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Textbook for medical students” номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи асосида берилган 237-373 рақамли рухсатномаси). Натижада, тил ўрганиш истагида бўлган бўлажак мутахассисларнинг нутқ кўникмалари интеграцияси асосида касбий тайёргарлиги ўсишига хизмат қилган;

талабаларининг аудитория машғулотларида нутқни ривожлантириш босқичлари ўқитишнинг дидактик устувор тамойилларини эвристик ҳамда продуктив фаолиятли таълим технологияларига тил бирликларининг ўзлаштирилиши, ясалиши, қайта яратилиши ва адекват идрок қилиниши мослигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга доир таклифлар асосида “Textbook for medical students” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғи асосида берилган 237-373 рақамли рухсатномаси). Натижада, талабаларнинг нутқ фаолияти турлари интеграцияси асосида эркин мулоқот қила олиш қобилияти ўсишига хизмат қилган;

талабалар нутқини ўстириш жараёни мустақил таълимда оғзаки (speaking) ва ёзма (writing) нутқни ривожлантиришга йўналтирилган амалий курс топшириқлари тил бирликларининг ташқи шаклини уларнинг мазмун жихати, умумий маъноси, семантикаси билан мантиқий боғлай олиш кўникмасини ривожлантириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 10 ноябрдаги 02-07-3512/04-сон далолатномаси) Натижада, талабалар ўзаро коммуникацияга киришиши ва касбий компетентлиги ривожланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 134 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда тил қобилиятларини такомиллаштиришда нутқнинг ўрни, талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати, талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг педагогик психологик жиҳатлари, талабаларда тил қобилиятларини такомиллаштиришда замонавий технологияларнинг роли баён этилган.

Тадқиқотлар жараёнида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари педагог, психолог, методист, лингвист олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилганлиги аниқланди. Масалан, И.Т.Ирискулов чет тилини ўқитишда тил қобилиятини такомиллаштиришни интеграция асосида ташкиллаштириш муҳимлигини таъкидлаган. М.Х.Гулямова нутқ фаолиятларининг бирдан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ўтишда тўхтаб қолиш ҳолати энг катта муаммолардан бири эканлигини, талабаларнинг бу борадаги тил тажрибаларини мустаҳкамлашга интегротив машқлар ёрдамида эришиш мумкинлигига изоҳ берган. Ж.Жалолов эса тил нутқ орқали, нутқ эса тил материали бирликлари орқали амалга оширилишини таъкидлаган. Ҳ.Ф.Максудованинг тадқиқот ишида тилни касбий-соҳавий ўқитишнинг мазмуни, шакли, механизмини, предмети эса - соҳавий тилни ўрганувчи ва ўргатувчилар фаолиятини ўрганишлигини таъкидлаган. Касбий лингводидактикани тилни касбий-соҳавий ўқитишнинг назарий асослари, унинг методик, дидактик, лингвистик хусусиятларини ўрганувчи фан сифатида изоҳлаган. Ф.А.Ширинова нофилологик йўналишларда талабаларнинг касбий-соҳавий компетентлигини ривожлантиришда ахборот технологиялари ва чет тилларни билиш энг муҳим омиллар эканлиги бўйича тадқиқот иши олиб борган. Н.М.Аҳмедованинг илмий ишларида талаба шахсининг касбий

лингвистик таълимда касбий фаолият субъекти сифатида ривожланиш яхлитлигини таъминлашга эътибор қаратилган. Шунингдек, «Шахснинг касбий тажрибаси» категорияси талабанинг бўлажак мутахассис сифатида шаклланиш жараёни ва натижаси, мазкур жараёни ташкил қилиш сифатини оширишни тавсифлайди. Юқоридаги олимлар фикрларини инобатга олган ҳолда тадқиқот ишида талаба таълим жараёнининг объекти эмас, балки субъекти сифатида қаралган. Таълим жараёнини ташкил этишда талабаларнинг касбий тайёргарлиги масаласи муҳимлигига асосий эътибор йўналтирилган.

Диссертацияда адабиётлар таҳлили асосида нутқ – тил воситасидаги мулоқот шакли, фикрларни шакллантириш ва расмийлаштириш усули деб таърифланган. Замонавий тилшуносликда тилнинг уч жиҳати фарқланади: тил қобилияти (компетентлик), - нутқий фаолият (сўзлаш ва тушуниш) – тил тизими (луғат ва грамматика) ёки соф тил ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасига кўра инглиз тилини замонавий таълим технологиялари асосида ўқитишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Замонавий тилшунослик фанида тил «табиий юзага келган ва қонуниятли ривожланган семиотик белгилар тизими», фикрлаш жараёни ва мулоқот воситаси сифатида қаралади. Тил (нутқий) фаолият маҳсулларини, яъни бевосита нутқни кузатиб, тилни кузатиш мумкин ва тил мулоқот қуроли бўлса, нутқ бу қурол воситасида мулоқот туридир. Психология тил ва нутқни инсоннинг олий психик жараёнларидан бири сифатида ўрганади. В.В.Давидов фикрига кўра, нутқ иккита вазифа бажаради: мулоқот ва фикр ифодалаш. Талаба нутқни ўзлаштиради ва уни нутқда қўллашни ўрганади.

О.Н.Хаустов томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг ижтимоий буюртмасини ва иқтисодий профил бўйича малакали мутахассиснинг шахсиятини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда инглиз тилида касбий тайёргарлик тизимининг моделини ишлаб чиқди. Буни асослашда муаллиф тизимли ёндашув қоидаларини, модулли ва муаммоли ўқитишнинг асосий усулларини қўллаган. G.M.Humphris томонидан ишлаб чиқилган кўп босқичли таълим бўйича мутахассиснинг профессионал чет тили малакасини ошириш жараёни назарий моделининг асоси - узлуксиз тил тайёрлашнинг яхлит тизими, таълимнинг барча босқичлари ва бўлажак мутахассиснинг профессионал чет тили малакасини оширишга қаратилган. Муаллиф чет тили касбий компетенцияси таркибидаги контент компонентининг ролига эътибор беради.

Тил қобилияти тушунчасини кўриб чиқадиган бўлсак таълим жараёнида тил қобилияти ўзининг икки ўзаро боғлиқ хусусияти билан намоён бўлади. Биринчиси – «мазмун», яъни талаба нима демокчилиги, унинг фикрлари, кечинмалари, билиш фаолияти натижалари бўлса, унинг иккинчи хусусияти – «ифода», яъни бу соф тил воситалари, унинг оғзаки ёки ёзма белгилар ҳисобланади. Бу икки хусусиятини ўқиш жараёнида бир – биридан ажратиб қараб бўлмайди. Нафақат фикрлар фаолияти натижалари тил воситаларинининг танланишига таъсир қилади, балки, жавоб шакли ҳам фикр мазмунига таъсир қилади. Тил талабанинг бу икки планни бирлаштира олиш кўникмасини акс эттиради. Бу фикрда «тил қобилияти белгиларни такомиллашаётган мазмун билан, тил бирликларининг ташқи шаклини уларнинг мазмун жиҳати, умумий

маъноси, семантикаси билан боғлай олиш кўникмаси» эканлиги ҳақидаги фикр қувватланади.

Таълим жараёнида тил қобилияти қуйидаги турларга ажратилди: репродуктив, вариатив, қисман изланишли ва ижодий. Тил қобилиятини такомиллаштириш жараёни учун ажратилган барча турлар ўзаро ҳамкорлик хусусияти билан белгиланади. Ҳар бир тур бўйича малака ва кўникмаларини эгаллаш тил қобилиятларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Диссертацияда тил қобилияти, ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, нутқнинг миллий жиҳатларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан чамбарчас боғлаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини назарда тутилган. Демак, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштириш таълим жараёнининг бевосита қатнашчилари сифатида уларнинг тил ва нутқий амалиётга тизимли киришишини, ижтимоий, маданий ва тиббий тажрибани ўзлаштириш жараёнидаги мулоқотини таъминлайди.

Тадқиқотлар жараёнида тиббиёт соҳасига оид терминлар, мавзулар; тил ўрганишга бўлган эҳтиёжлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар; Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда аҳолининг соғлиғини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий-меъёрий асослар; миллий ва умуминсоний кадриятларнинг бир-бирига таъсири ва шахс саломатлигининг аҳамияти, дунё миқёсидаги экологик муаммолар ва уларнинг жамият соғлом турмуш тарзи ривожига аҳамияти, оналар ва болалар саломатлиги, жамият соғломлиги ва унинг соғлом ҳаёт ривожига таъсирига оид илмий, оммабоп, бадий материаллар таълим мазмунига сингдирилди. Шундай қилиб, талабаларнинг тил қобилиятини такомиллаштириш ҳақида гап кетганда, унинг асосий мақсадини билиш ва мулоқот воситаси сифатида ривожлантиришдан иборатлиги назарда тутилишини таъкидлаш лозим.

**Диссертациянинг “Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш тизими”** деб номланган иккинчи бобда талабаларнинг тил қобилиятларининг ўзига хос лингводидактик хусусиятлари, замонавий таълим технологиялари ва уларни ташкил этишнинг педагогик имкониятлари, тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштириш педагогик шарт-шароитлари илмий талқин этилган. Шунингдек, талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришда шахслараро мулоқот муносабатлар ривожлантирилишининг аҳамияти ёритилган.

Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштириш самарадорлиги ва педагогик имкониятлари замонавий таълим технологиялари асосида оширилди. Жумладан, олиб борилган тажриба-синов ишларида замонавий таълим технологиялари (“Case-study”, “SMART”, “SWOT”, “Insert”) эркин мулоқот ва умумдидактик жараёнларни ташкил этишда самарали натижалар берди.

Тил қобилиятининг репродуктив турини “Presentation”, “Brainstorming”, “Cluster”, “Case study”, “Task-based method” кабиларда ривожланириш мақсадга мувофиқ. Тил қобилиятининг вариатив турини мутахассислар билан учрашувлар, “Debate”, “Discussion”, “Questions-answer”, “Синоним ва антонимлар” каби ўйинларда такомиллаштириш мумкин. Тил қобилиятининг қисман изланишли турини ривожлантириш учун “Gap filling”, “At the doctor’s” каби танловлар мақсадга мувофиқ.

Талабалар тил қобилияти ижодий турини такомиллаштириш учун “Тиббиёт ходимлари куни”, “Exhibition”, “Who am I?”, “Story telling”, “Role playing” каби ўйинлар танланди.

Диссертацияда инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабалар тил қобилиятларини такомиллаштиришга доир интерактив амалий машғулотлар ишлаб чиқилган. Масалан, тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг бўлғуси касбий фаолияти давомида “Гапиришда “speaking” дан фойдаланиш вазиятларида тил қобилиятларига асосланган ҳолда мулоқот қилишга ўргатиш” бўйича амалий машғулот қуйидагича ташкил этилди: “Савол-жавоб” ва “Ақлий ҳужум” методлари ёрдамида таянч тушунчаларни аниқлаштириш; «Debate», «Discussions» методидан фойдаланиб талабаларни бир мавзу доирасида баҳслашиш ва билимларни ўзлаштиришларида ёрдам бериш; Савол-жавоб асосида давра суҳбатини ташкил этиш; “Вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш” методини қўллаган ҳолда муҳокама якунида ўқитувчи вазиятни таҳлил қилиши ва умумлаштириши; “Dialogue”, “role-playing” методи ёрдамида тиббиёт талабаларининг турли вазиятларда мулоқотга киришиш қобилиятини аниқлаш.

Бундан ташқари талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштиришда тиббиёт таълим муассасаси талабаларини бўлғуси шифокорлар сифатида тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари бўйича изланишлар олиб борилди. Ижобий мулоқот шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатларни яхшилайти, даволаш режимида риоя қилиш, ғамхўрликдан қониқиш, беморнинг жисмоний ва психологик соғлиғига самарали таъсир кўрсатиш ҳолатларини таъминлайди. Анъанавий тиббий таълим талабаларга касаллик жараёни, ташхис қўйиш ва даволаш усуллари тўғрисида назарий ва амалий билимларни беради, аммо беморлар билан ишлашда энг муҳим бўлган тил қобилиятларини такомиллаштириш масаласини эътиборсиз қолдиради. Демак, замонавий таълим дастурлари тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштиришда ўқиш, сўзлаш ва ёзиш кўникмаларини такомиллаштириб, уларнинг қўлланилиш доирасини талабаларнинг бўлғуси касб фаолияти эҳтиёжларига мувофиқлаштирган ҳолда ўргатилиши лозим.

Назарий қоидаларни ўрганиш ва амалий тажрибани умумлаштириш таълим жараёнида талабалар тил қобилиятини такомиллаштириш моделини ўзаро боғлиқ: мақсадли, мазмунли, операцион-фаолиятли, натижали компонентлар умумлашмаси деб таърифлашга имкон беради. Моделдаги назарий ғояларни амалиётда қўллаш орқали кафолатланган натижа олиш - талабалар тил қобилияти такомиллашганлигининг юқори даражасига эришиш ва талабанинг фаолият субъекти сифатида тикланишини кўзда тутати.

Моделнинг мақсадли компоненти устивор мақсаднинг мавжудлигини, айнан талабалар тил қобилияти такомиллаштирилганлигининг юқори даражасига эришишни таъминлайди.

Мазмунли компоненти талабалар тил қобилиятининг асосий турларини босқичли такомиллаштиришни кўзда тутди.

Операцион – фаолиятли компоненти талаба тил қобилиятининг ҳар бир турини ривожлантиришга мос махсус танланган шакл, метод ва воситалардан фойдаланишни кўзда тутди.

Натижали компонент кафолатланган натижанинг мавжудлигини, айнан талабалар тил қобилияти такомиллаштирилганлигининг юқори даражасига эришишни кўзда тутди.


Кўриб чиқилган адабиётларда тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштириш ушбу қобилиятларнинг муҳимлигини англашга таъсир қилиш ва клиник шароитда алоқа кўникмаларини ўрганиш орқали амалга ошириш мумкинлиги таъкидланган. Бундан ташқари, тил қобилиятларини такомиллаштириш тиббиёт таълим муассасаси талабалари томонидан беморлар билан самарали мулоқот қилиш қобилиятини баҳолаш билан боғлиқ. Юқорида таҳлил қилинган педагогик жараёнлар қуйидаги педагогик моделда ўз аксини топган (1–расм).

Тадқиқотда тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштиришда шахсий, фаолиятли, субъектли ва продуктив ёндашувларнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган (2-расмга қаранг). Унга кўра, тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг шахсий ёндашув нуқтаи назаридан таҳлиliga кўра, ҳаёт шароитлари билан ўзаро ҳамкорликда бу қобилиятнинг индивидуал ўзига хослиги шаклланади, у нафақат шахсда мустаҳкамланади, балки шахсий ўсишга ҳам кўмаклашади.


Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштиришнинг фаолиятли ёндашуви тил қобилиятининг репродуктив, вариатив, қисман изланишли, ижодий турларини ўзлаштиришга кўмаклашадиган билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.

Продуктив ёндашув нуқтаи назаридан тил қобилиятларини такомиллаштириш ташқи (боғланган матнлар) ва ички (механизмлар ва операцияларни шакллантириш) муносабатларни ривожлантиришни назарда тутди. Тил қобилиятини такомиллаштириш жараёнининг субъектли ёндашувида талабанинг фаолият субъекти сифатида иштироки кўзда тутилиб, унинг фаолият субъекти сифатида фаол иштирокини таъминлайди.

Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштиришда замонавий таълим технологияларини қўллашда аввало уларнинг компонентларини билиш ва ажратиб олиш ҳамда шу асосида уларни қўллаш муҳимлиги аниқланди. Педагогик технология педагогик системанинг реализацияси бўлгани ва таълим жараёнини камраб олгани боис технологиянинг структуравий компонентларини мақсад, мазмун, операцион – фаолиятли ва натижали каби яхлит педагогик жараён компонентларига мувофиқ ажратилди.



**1 - расм. Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини замонавий таълим технологиялари асосида такомиллаштиришнинг педагогик модели**



**2-расм. Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тил қобилиятларини такомиллаштиришда қўлланадиган ёндашувлар.**

Унга кўра биринчи компонент – мақсадли компонент ҳисобланиб, қайси сифат, характеристикаларга эришиш кўзланганини белгилайди. Таълим технологиясининг иккинчи компоненти – мазмун компоненти ҳисобланиб, педагогик назарияга мувофиқ, мазмун - билим, малака, кўникма ва компетенциялар системасини, билим эгаллашнинг умумлаштирилган интеллектуал ва амалий малакалари, билиш фаолияти кўникмалари, вазифаларни ижодий ҳал қилиш кўникмаларини ўз ичига олади. Бу компонентнинг моҳияти, фаолиятнинг предмет мазмунини танлаш, талаба мустақил равишда ёки педагог билан ҳамкорликда вазифани ҳал қилишнинг аниқ йўллари белгилашидан иборат.

Таълим технологиясининг учинчи – операцион - фаолиятли компоненти шакл, метод, воситалар танловини ўз ичига олади. Бу компонент талаба ҳаракатларини, восита ва усулларни тартиблаштиришни ўз ичига олади. Таълим технологиясининг натижали компоненти билим, малака кўникма ва компетенцияларнинг ривожланиши асосида шахсий ривожланишда ўзгаришларга олиб келадиган кафолатли натижа олишни кўзда тутади.

Сўнгги йилларда тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг мулоқот қобилиятлари, касбий кадриятлари, инсонпарварлик муносабатлари ва хулқ-атвориға ўргатиш учун турли хил ўқув дастурларини жорий этиш орқали беморларга йўналтирилган ёрдамнинг аҳамияти муҳим. Бу ўз навбатида тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил кўникмаларини такомиллаштириш масаласини янада актуаллаштирди.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлиги ҳақида фикр юритилган.

Талабаларнинг тил қобилиятларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқот ишлари уч босқичда яъни, қайд қилувчи (2018-2019 йиллар), шакллантирувчи (2019-2020 йиллар), баҳоловчи (2020-2021 йиллар) босқичларда олиб борилди. Тажриба-синов базаси сифатида Тошкент давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Урганч давлат тиббиёт институтлари танлаб олинди. Тажриба-синов ишларига жами 512 респондент жалб қилинди. Тажриба-синов

ишлари самарадорлиги аниқлашда талабаларни тажриба (263 та респондент) ва назорат (249 та респондент) гуруҳларига ажратилди ва уларда тил қобилиятини такомиллаштирилганлик даражаси юқори, ўрта ва куйи даражаларда аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг қайд қилувчи (таъкидловчи) босқичда куйидаги ишлар амалга оширилди: талабалар тил қобилияти такомиллаштирилганлик даражасини аниқлашнинг критериал аппаратини асослаш; таълим жараёнида талабалар тил қобилиятининг такомиллаштирилганлик даражалари тавсифини бериш; назорат ва тажриба-синов гуруҳларда талабалар тил қобилияти такомиллаштирилганлигининг дастлабки даражасини аниқлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек куйидаги ташҳис методларидан фойдаланилди:

Фаолият маҳсулини баҳолаш. Талабаларга 6 та топшириқ ёзма бажариш учун таклиф қилинди. Бу деформацияланган матнларни тиклашга, шунингдек ўзининг оригинал матнини тузишга оид топшириқлар эди. Топшириқни бажариш давомида соҳага оид терминларга аҳамият берган ҳолда улардан тўғри фойдаланишни назарда тутди;

Талабалар билан суҳбат. Талабалар тил қобилияти такомиллашганлигининг дастлабки даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг матн кўринишида тақдим этилган фаолият маҳсулини баҳолаш лозим эди. Бунинг учун критериал – ташҳис методикалар комплексида фойдаланилди. Талабаларга ҳар бирида учтадан топшириқ бўлган иккита топшириқлар сериясини бажариш таклиф қилинди.


Тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида белгиланган мақсадни, шунингдек тажрибанинг қайд қилувчи босқичи натижаларини ҳисобга олган ҳолда, тиббиёт таълим муассасалари талабаларининг тил қобилиятини такомиллаштириш технологиясини синаш дастури ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг баҳоловчи (яқунловчи) босқичида талабаларнинг мустақил ишлари салмоғи ортди. Улар фақат ўқитувчи танлаган иш шаклининг иштирокчиси бўлиб қолмай, балки фаол ташкилотчи ҳам бўлишди. Уларнинг фаолият субъекти сифатида иштироки амалга оширилди. Талабалар ўз имкониятларини танлов ва викториналарни ўтказиш чоғида кўрсата олдилар. Танловлар шундай ташкилий шакллар учун анъанавий схема бўйича ўтказилиб, тил материали билан имкон қадар тўлдирилди. Шундай қилиб тил қобилиятини такомиллаштиришнинг танланган иш шакллари талабаларни ижодий фаолиятга жалб қилиш имконини берди. Бунинг натижасида тил қобилиятининг ижодий тури такомиллашиши амалга оширилди, тил қобилиятининг барча турлари учун характерли бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялар ривожлантирилди.


Тажриба – синов натижаларининг ҳисоб китобларига кўра  $T > T_{0,95} = 1,98$  бўлгани учун  $H_0$  гипотеза рад этилиб  $H_1$  гипотеза қабул қилинди. Бундан кўринадикки танлаб олинган гуруҳлардаги натижалар тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги математик статистик усуллар билан

исботланди. Тажриба гуруҳидаги самарадорлик 1,15 бароборга ортиқлиги яъни 15 фоиз юқорилиги исботланди.

Тажриба-синов ишлари ўтказилган тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича ўзлаштириш даражаларининг ўртача арифметик қийматлари ва самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги диаграммаларда ўз аксини топган.



3 - расм. Тажриба-синов натижаларининг диаграммаси



4-расм. Тажриба синов ишларининг самарадорлик кўрсаткичлари.

Ушбу диаграммадан самарадорлик кўрсаткичи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 1,14 баробардан 1,16 баробарга (14 фоиздан 16 фоизгача), ўртача 15% га юқори эканлиги кўриниб турибди. Бу эса юқорида баён қилинган хулоса тўғри эканлигини исботлади.

## ХУЛОСА

1. Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг нутқ ўстириш технологияси рефлексив машқлар, нутқнинг эстетик сифати, вазиятни вербал шаклда тасаввур қила олиш, суҳбатдошига мослашиб олишнинг индивидуаллигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилди.

2. Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг тиббиёт соҳасига оид матн устида ишлаш самарадорлиги нутқни ўстириш жараёни интенсивлиги, касбий тафаккурни ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятлари ҳамда диагностик лойиҳалаш кўникмаларни эгаллаш қобилиятига кўра саралаш асосида такомиллаштирилди.

3. Талабалар нутқини ривожлантириш босқичлари ўқитишнинг дидактик устувор тамойилларини эвристик ҳамда продуктив фаолиятли таълим технологияларига тил бирликларининг ўзлаштирилиши, ясалиши, қайта яратилиши ва адекват идрок қилиниши мослиги натижадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилди.

4. Тиббиёт таълим муассасаси талабаларининг мустақил таълимда оғзаки (speaking) ва ёзма (writing) нутқини ривожлантиришга йўналтирилган амалий курс топшириқлари тил бирликларининг ташқи шаклини уларнинг мазмун жиҳати, умумий маъноси, семантикаси билан мантиқий боғлай олиш кўникмасини ривожлантириш асосида талабалар нутқини ўстириш жараёни такомиллаштирилди.

5. Тил қобилиятини такомиллаштиришнинг дастлабки методологик ғояси сифатида талаба шахсининг сифатлари яхлит бирлигини, айниқса унинг қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган ривожлантирувчи таълим назарияси танланди. Ривожлантирувчи таълимда талаба ўргатилаётган билимларнинг пассив истеъмолчиси эмас, балки таълимнинг тўлақонли субъекти сифатида фаоллик кўрсатиши аниқланди.

6. Тил қобилиятини қобилиятлар назарияси доирасида ўрганиш унинг нутқий фаолият асоси экани, бу фаолиятни амалга ошириш муваффақиятини таъминлаши ва билим, малака, кўникмаларни тўплашга кўмаклашишни таъкидлаш имкони яратилди.

7. Нутқнинг пайдо бўлиши муаммосига доир қарашлар умумлаштирилиб, мотив, коммуникатив мақсад, ғоя, ғоядан мазмун тилига қайта кодлаш (ўгириш), ядро мазмунини кенгайтириш, иборанинг синтактик схемасини шакллантириш, конкрет лексикани саралаш, артикуляция босқичларига ажратилди.

8. Таълим жараёнида талабалар тил қобилиятини такомиллаштиришнинг мақсадли, мазмунли, операцион – фаолиятли ва натижали компонентларни ўз ичига олган модели яратилди ва уни реализациялаш орқали тил қобилиятини такомиллаштиришда талабанинг фаолият субъекти сифатида иштирокига эришилди.

7. Тил қобилиятларини такомиллаштиришга муносабат тиббиёт таълим муассасаси талабалари томонидан беморлар билан самарали мулоқот қилиш қобилиятини баҳолаш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди ва ижобий ёндашувни режалаштиришда тил воситаларининг ўзига хослигига таянилди.

8. Такомиллаштирувчи таълим назариясини ўрганиш талабалар тил қобилиятини такомиллаштириш жараёнида шахсий, фаолиятли, субъектли ва продуктив ёндашувни фарқлаш имконини берди. Бу ёндашувлар нуқтаи назаридан, талабалар тил қобилиятини такомиллаштириш – талабанинг шахсий хусусиятларини такомиллаштириш жараёни бўлиб, нутқий фаолиятда амалга оширилди ва бу жараён фаолиятнинг ташқи ва ички индивидуал маҳсулларини (муаллифлик матнларини) олишга қаратилди ҳамда талабанинг фаолият субъекти сифатида иштирокини таъминлади.

9. Фанлараро алақадорлик асосида олиб борилган тил қобилияти мазмунини ўрганиш унинг репродуктив (матн структурасида ориентирланиш, тайёр тил намуналари ва моделларидан ўз нутқий фаолиятида фойдаланишга йўналтирилган), вариатив (турли мураккабликдаги матнлар билан ишлаш билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш; бу матнларни трансформациялаш, луғат захирасини тўлдириш ва ундан адекват фойдаланиш, малака ва кўникмалардан фойдаланиш амалий тажрибасига эришишга йўналтирилган), қисман изланишли (тил материалида мустақил излаш фаолияти, ўз–ўзини таҳлил ва ўз–ўзини баҳолаш кўникмалари шаклланишига кўмаклашади), ижодий (мавжуд билим, малака ва кўникмаларни системалаштириш ҳамда фаолият тажрибасига асосланиб ижодий маҳсул яратишга кўмаклашади) турларини фарқлаш имкони берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛМУРОДОВА ДИЛЬНОЗА ХОЛМУРОД КЫЗЫ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЯЗЫКОВЫХ СПОСОБНОСТЕЙ  
СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО  
УЧРЕЖДЕНИЯ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМИ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером за № В2022.1.PHD/Ped3060.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационном портале «Ziyoune» ([www.ziyoune.uz](http://www.ziyoune.uz)).

**Научный руководитель:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ахмедова Лайло Талибджановна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Кадырова Фазилат Шукуровна**  
доктор философии по филологическим наукам, (PhD)

**Ведущая организация:**

**Джизакский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится 23 07 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86. e-mail: [tdpu.kengash@edu.uz](mailto:tdpu.kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером 1499). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86. e-mail: [tdpu.kengash@edu.uz](mailto:tdpu.kengash@edu.uz)).

Автореферат диссертации разослан 07 07 2022 года.  
(протокол реестра рассылки № 85 от 07 07 2022 года)

  
**И.А. Сайдаров**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор  
**И.А. Сайдаров**  
Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., доцент  
**Н.А. Муслимов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировых медицинских образовательных учреждениях в практику внедряются механизмы совершенствования профессиональной подготовки будущих специалистов на основе интегративных подходов. В программах ЮНЕСКО и Международной ассоциации университетов (International Association of Universities – IAU) проводятся системные работы по внедрению на практике крупных практических проектов<sup>3</sup>, направленных на развитие языковых способностей студентов, применение образовательных технологий, моделирование образовательного процесса, совершенствование профессиональной подготовки на основе интегративных подходов.

В мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях ведутся исследования по изучению взаимосвязи языковых способностей и личностного развития, развитию теоретико-методологических основ коммуникативных речевых систем, повышению эффективности внедрения новых образовательных стандартов в образовательный процесс, совершенствованию языковых способностей студентов на основе современных образовательных технологий. Вместе с тем в Уэльсе, Германии, Японии, Нидерландах и Северной Ирландии особое внимание уделяется научным исследованиям по повышению эффективности интегративного подхода в преподавании учебных дисциплин, совершенствованию преподавания английского языка будущим медицинским работникам и их профессиональной подготовки на основе Общеевропейских квалификационных требований CEFR, повышению качества образования до международного уровня, налаживанию модульного образования.

В последние годы в нашей республике создаются нормативные основы и материально-техническая база для организации системы подготовки специалистов в медицинских образовательных учреждениях на основе международных квалификационных требований и совершенствования педагогических механизмов обучения студентов иностранным языкам на основе общеевропейских требований CEFR, а также корпусных технологий посредством информационно-коммуникационных технологий, основанных на передовом зарубежном опыте. Приоритетной задачей было определено “... координация внедрения на всех этапах обучения международно признанных программ и учебников по обучению иностранным языкам”<sup>4</sup>. В этом отношении актуальное значение имеет расширение возможности обучения на основе современных образовательных технологий с интеграцией языковых способностей студентов в профессиональные дисциплины при обучении иностранному языку в высших медицинских образовательных учреждениях.

Данная исследовательская работа в определенной степени служит

---

<sup>3</sup> IN FOCUS Universities and Agenda 2030: Engaging with the SDGs / IAU 2019 CONFERENCE / Transforming Higher Education for the Future. Vol.24 №1 \* IAU HORIZONS. [https://iau-aiu.net/IMG/pdf/iau\\_horizons\\_vol.24.1\\_en\\_light.pdf](https://iau-aiu.net/IMG/pdf/iau_horizons_vol.24.1_en_light.pdf)

<sup>4</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2021 года №ПП-5117 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан”.

реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2021 года № ПП-5117 “О мерах по выведению на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан”, от 6 мая 2019 года № ПП-4310 “О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки”, а также в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года № 610 “О мерах по дальнейшему улучшению качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях”, от 19 июля 2019 г. № 606 “О совершенствовании системы целевой подготовки научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации”, и в других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан. “Формирование и пути реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** В исследованиях ученых-педагогов нашей страны Б.С.Абдуллаевой, Р.Х.Джураева, О.М.Мусурмановой, Р.Г.Исянова, М.Б.Уразовой, Ш.С.Шарипова проводились научные исследования по вопросам организации образовательного процесса в высших образовательных учреждениях; Л.Т.Ахмедова, Н.М.Ахмедова, М.Гулямова, Дж.Джалолов, Х.Маматкулов, Ф.М.Рашидова, К.Дж.Рискулова проводили научные изыскания по вопросам преподавания английского языка в высших учебных заведениях.

